



# **MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

**ILMIY MAK TABI**

# **MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

**ilmiy elektron jurnali**

## **LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL**

**scientific electronic journal**

**2023 yil, 3-son**

**Volume 4, Issue 3, 2023**



# МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ



**LABORECONOMICS.UZ**

**МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ  
№ 3-2023**

**ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ  
КАПИТАЛ**

**LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL**

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro’yxatga olingan.

**Muassis:** “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi,  
49 uy

**Elektron manzil:** [ilmymaktab@gmail.com](mailto:ilmymaktab@gmail.com)

**Jurnal web-sayti:** [www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**Bog’lanish uchun telefonlar:**

+998998818698

**Tahririyat Kengashi raisi:**  
(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a'zolari:**  
(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.  
Yusupov Axmadbek Tadiyevich, i.f.d.. prof.  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof  
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof  
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof  
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.  
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.  
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.  
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.  
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.  
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.  
Xudoibergaliyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.  
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)  
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**  
(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)  
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)  
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)  
Xeynz Miller (AQSh)  
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)  
Masato Xivatari (Yaponiya)  
Gerxard Feldmayer (Germaniya)  
Eko Shri Margianti (Indoneziya)  
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)  
Rohana Ngah (Malayziya)  
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)  
Teguh Dartanto (Indoneziya)  
Nur Azlinna (Saudiya Arabiston)  
Muhammed Xoliq (Pokiston)  
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

**Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief):** G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

**Veb-administrator (Web admin):** Musayev Xurshid Sharifjonovich



+99899 881-86-98



ilmiyaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



[www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**MUNDARIJA (CONTENTS)**

	<b>INSON RESURSLARINI BOSHQARISH</b>	
<b>S.B.G'oyipnazarov</b>	<i>Mahalliy davlat hokimiyati organlarida inson resurslarini boshqarishning xalqaro tajribasi .....</i>	5-21
<b>O.T.Astanakulov</b>	<i>Davlat xizmatida xodimlar faoliyati samadorligini baholash .....</i>	22-35
<b>M.A.Qayumova</b>	<i>Oliy ta'lif muassasalarida professor-o'qituvchilar motivatsiyasining muammolari va uning tahlili .....</i>	36-45
	<b>MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI</b>	
<b>Z.D.Adilova</b>	<i>Turistik xizmatlar bozorida bandlikni tartibga solish va boshqaruvin mexanizmlarining zamonaviy usullari ...</i>	46-56
<b>X.F.To'xtayeva</b>	<i>O'zbekistonda mehnat bozori muammolari .....</i>	57-68
<b>M.M.Mirzakarimova</b>	<i>O'zbekiston mehnat bozorida raqamli texnologiyalar mutaxassislariga talab va taklifni baholovchi mezonlar tizimi .....</i>	69-80
<b>Sh.O.Olimjonova</b>	<i>Aholi bandligini ta'minlashning yo'nalishlari (O'zbekiston Respublikasi misolida) .....</i>	81-88
	<b>DEMOGRAFIYA</b>	
<b>R.I.Nurimbetov</b>	<i>O'zbekistonning ayrim demografik masalalari va aholi bandligini manfaatdorlik indeksi asosida baholash .....</i>	89-101
<b>A.M.Ismailov</b>	<i>O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlashdagi demografik siyosati .....</i>	102-113
	<b>INSON KAPITALI</b>	
<b>S.E.Xolmuratov</b>	<i>Пути совершенствования образовательной системы Республики Узбекистан путем применения «финского чуда» .....</i>	114-126
<b>J.S.Xolmuratov</b>	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitali rivojlanishini boshqarishni tashkiliy-iqtisodiy qo'llab-quvvatlash.....</i>	127-135
<b>N.B.Ulug'muradova</b>	<i>Modelь государственно-частного партнерства в сфере туризма .....</i>	147-163
	<b>TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH</b>	
<b>X.Sh.Kaxramonov</b>	<i>Исследование факторов, действующих на эффективное управление жилищным фондом города .....</i>	136-146
<b>D.A.Ishanxo'jayeva</b>	<i>Модель государственно-частного партнерства в сфере туризма .....</i>	147-163
	<b>MUNOSIB MEHNAT</b>	
<b>F.O'Masharipov</b>	<i>Professional ta'lif muassasalari bitiruvchilari bandligini raqamli texnologiyalar asosida monitoring qilish istiqbollari .....</i>	164-175



# МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ

<https://laboreconomics.uz/>



## ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ БОЗОРИ МУАММОЛАРИ

Мирзакаримова Муяссар Муминовна

Фарғона давлат университети  
“Молия” кафедраси проф.в.б., и.ф.д.(DSc)

Олимжонова Шоира Олимжановна

Ўзбекистон Миллий университети доценти, и.ф.н.

DOI: [https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2\\_iss1/a23](https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a23)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон меҳнат бозори ҳолати ва унинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш омили сифатида ишчи кучи миграцияси, унинг меҳнат бозоридаги вазиятга таъсири ва у билан боғлиқ муаммолар ўрганилган. Янги иш ўринларини яратиш орқали унумли ва самарали бандликни рағбатлантириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, ишчи кучи, меҳнат ресурслари, меҳнат миграцияси, янги иш ўринлари, меҳнат ресурслари баланси.

## ПРОБЛЕМЫ РЫНКА ТРУДА В УЗБЕКИСТАНЕ

Мирзакаримова Муяссар Муминовна

д.э.н., DSc, и.о., профессор кафедры “Финансы”  
Ферганского государственного университета

Алимджанова Шоира Алимджановна

к.э.н., доцент кафедры “Экономическая теория”

Национального университета Узбекистана

**Аннотация.** В статье изучается нынешняя ситуация и тенденции развития на рынке труда Узбекистана. Изучены влияния трудовой миграции на рынок труда, как фактор эффективного использования трудовых ресурсов и возникающие проблемы развития миграции. Выработаны основные направления стимулирования продуктивной и эффективной занятости населения путем создания новых рабочих мест.

**Ключевые слова:** рынок труда, рабочая сила, трудовые ресурсы, трудовая миграция, новые рабочие места, баланс трудовых ресурсов.

## LABOR MARKET PROBLEMS IN UZBEKISTAN

Mirzakarimova Muyassar Muminovna

Fergana State University  
Acting professor, DSc of the "Finance" department

Olimjonova Shoira Olimjanovna

Associate Professor of the National University of Uzbekistan

**Abstract.** The article analyzes the state of the labor market of Uzbekistan and its development trends. As a factor of effective use of available labor resources, labor

migration, its impact on the situation in the labor market and problems related to it are studied. Directions for promoting productive and efficient employment by creating new jobs have been developed.

**Keywords:** labor market, labor force, labor resources, labor migration, new jobs, balance of labor resources.

## **Кириш**

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш Концепцияси мамлакат иқтисодиётига салбий ташқи омилларнинг таъсирини юмшатиш чоралари, демографик тенденциялар ва меҳнат бозоридаги кескинлик, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш зарурлиги, бандлик ўсишини таъминлаш ва аҳоли ҳаёти даражасини яхшилаш, мамлакат иқтисодиётини ривожланишнинг барқарор йўлига ўтказиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш масалаларини комплекс ҳал этишда муҳим йўналиш сифатида қаралмоқда.

Мамлакатнинг айрим минтақаларида мутахассислар етишмаслиги кузатилса, бошқа минтақаларида уларнинг ортиқчалиги мавжуд бўлиб, ишчи кучи таклифининг юқори даражаси меҳнат ресурслари ортиқча бўлган минтақаларда ишсизликнинг ўсишида акс этиб, норасмий бандликнинг юқори улуши (40%) давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда республика ҳукумати томонидан ўзини ўзи банд қилиш шаклларини ривожлантириш, уй хўжалигига бандликни расмийлаштириш ва молиявий, микрокредитлаш жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали норасмий бандлик даражасини камайтиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тенденцияларига мувофиқ, рақамли иқтисодиётнинг ривожлантирилиши эса бу жараёнларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда, ривожланган мамлакатларда ноанъянавий бандликнинг инновацион шаклларини ривожлантириб, уларнинг кўп ҳолларда норасмий тарзда кечишига олиб келмоқда, ривожланаётган мамлакатлардаги норасмий бандлик эса кам малака талаб қиласиган ишларда мужассамлашганлиги билан тавсифланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралидаги Пф-27-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга доир давлат дастури тўғрисида” ги Фармонининг IV – “Адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” йўналишида 37-мақсад: “Ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ қасб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш. Қасбга ўқитиш қўламини 2 бараварга ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз

фуқарони касб-хунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш”[1] этиб белгиланган.

Республика Президенти Ш.Мирзиёев аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битиравчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширишнинг муҳим аҳамиятини кўрсатиб, “Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўнимкалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташабbusларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз” [2], деб таъкидладилар.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Ҳозирги вақтда меҳнат бозорининг XXI аср бошларидаги амал қилиш хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Аҳоли бандлиги ва меҳнат бозори концепциялари эволюцион ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди. Илк бор аҳоли бандлиги ва ишсизлик муаммолари А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сэй ва К.Маркс назариясини мужассамлаштирадиган классик илмий мактаб вакиллари томонидан тадқиқ этилган.

Меҳнат бозорининг классик модели доирасидаги амал қилиш механизми талаб ва таклиф нисбати орқали иш ҳақининг белгиланишига асосланади. Ушбу меҳнат бозорининг муҳим унсурлари қуидагилар ҳисобланади: ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф, иш ҳақи, бозор конъюнктураси, ишсизлик. Ушбу моделда давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш амалиёти мавжуд эмас. У ўзини-ўзи тартибга соловчи бозор тамойилига ва “иқтисодий инсон” тушунчасига асосланади. Ишчи кучининг нархи бозор конъюнктурасига асосан, белгиланади ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифга таъсир кўрсатади, ўзаро нисбатини тартибга солади ва улар ўртасидаги мувозанатни қўллаб-қувватлайди.

Laissez faire тамойили классик мактаб томонидан ижобий дастур сифатида иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида фойдаланилади. Ушбу тамойил бозор эркинлигини, фаолият ва касб турини эркин танлашни ўзида мужассамлаштиради ҳамда давлатнинг иқтисодий ҳаётдаги мавқеини чеклайди. А.Смитнинг издошлари Д.Рикардо ва Ж.Б. Сэй кўп жамғариш ишсизликни кўпайтириш, иш ҳақини қисқартириш, тадбиркорлик фаоллигини сусайтириш орқали жамиятни камбағаллаштиришини исботлайдилар.

Ж.Б.Сэй ортиқча товар ишлаб чиқаришда меңнат ва капиталнинг бир қисмини ишлаб чиқаришдан чиқарып олинади ва ушбу товарларга бўлган талабнинг жаҳон бозорига чиқиши тўлиқ бандликнинг янгитдан ўрнатилишига олиб келади, деб таъкидлайди. Ж.Б.Сэй қарашларининг хатолиги эркин рақобат ва бозорнинг ўз-ўзини тартиблиши шароитида иқтисодий инқироз, капитал ва бандликнинг қисқариши мумкин эмаслигидадир.

К.Маркснинг бандлик назарияси қўшимча қиймат назарияси, капитал органик тузилишининг ўсиши назарияси ва нуфуз қонунларига асосланади.

К.Маркснинг “Капитал” асарида капитал ўсимининг ишчилар синфи ҳолатига таъсири ўрганилади. У капиталистик жамғариш ва капиталистик ишлаб чиқарыш усулининг амал қилиш шарти ҳисобланган “меңнат резерв армияси” тушунчасини муомалага киритади.

Меңнат бозори муаммолари неоклассик мактаб иқтисодчилари А.Маршалл, А.Пигу, Дж.Б.Кларк ва бошқаларнинг асарларида янада чуқурроқ тадқиқ этилади. Ушбу моделда бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиши иш ҳақини ошириш ёки пасайтириш воситасида иш ҳақини меңнат бозорининг ташқи тартибга солиш дастагига айлантиради.

Неоклассиклар ишчи кучидан фойдаланиш чегараларини белгиловчи “ишлаб чиқариш омилларининг чекланган унумдорлиги”, “чекланган меңнат маҳсули” ва “чекланган ишчи” тушунчаларини келтирадилар. Дж.Б.Кларк “камайиб борувчи чекланган унумдорлик” қонунини иқтисодий муомалага киритди, яъни ишлаб чиқариш жараёнида “камайиб борувчи меңнат унумдорлиги” ҳолати кузатилади, иш ҳақининг миқдори меңнат унумдорлиги ва ишловчиларнинг бандлик даражасига боғлиқ. Меңнат жараёнида банд ишловчилар сони қанчалик кўп бўлса, меңнат унумдорлиги ва иш ҳақи миқдори шунчалик паст бўлади. А.Пигу инқироз шароитида бандликнинг ўсиши механизми сифатида реал даромад ўсиши зарур, деб кўрсатди. А.Пигунинг фикрича, ишсизликнинг вужудга келиш сабаби иш ҳақининг юқори даражасидир, иш ҳақининг камайиши эса аксинча, бандликни оширади. Чунки ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва қўшимча ишчиларни ёллаш учун имконият яратади.

Унинг фикрича, ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши асосида товарлар нархининг пасайиши иш ҳақи ҳисобига тирикчилик ўтказмайдиган аҳоли гурӯҳлари харид қобилиятининг ошишига олиб келади. Ушбу ғоя қўшимча талабни вужудга келтиради ҳамда ишлаб чиқариш ва бандликни кенгайтиради. А.Пигунинг фикрича, бандлик ҳажмини белгиловчи омил меңнатга бўлган ҳақиқий талаб функциясидир. А.Пигу “ихтиёрий ишсизлик” назарияси тарафдори бўлиб, у ишчилар бозордаги талаб ва таклиф натижасида вужудга

келадиган “нормал” иш ҳақи учун ишлашга рози бўлмайдилар ва ихтиёрий ишсиз бўлиб қоладилар, деган фикрни илгари суради.

А.Маршалл “Иқтисодий фан тамойиллари” асарида ишчини ишлаб чиқаришдаги ўз иштирокининг плюс ва минусларини баҳолайдиган рационал субъект сифатида ўрганади. Агар чекланган меҳнат оғирлиги субъектив баҳоси билан ўлчанадиган меҳнат сарфлари минус ҳисобланса, у ҳолда бундай баҳолашга боғлиқ бўлган ишчининг салбий ҳиссиётлари пуллик компенсациялар учун мўлжалланган иш ҳақида намоён бўлади. Ушбу концепция икки ҳолатга асосланади: биринчидан, меҳнат таклифи реал иш ҳақи таклифига мослашади; иккинчидан, реал иш ҳақининг ўзгаришидан келиб чиқади. Шунингдек, муаллиф ялпи ишчи кучи талабини пировард натижа сифатида тартибга соловчи нарса истеъмолчиларнинг талаби бўлиб, унинг мутаносиблиги бозор иқтисодиётидаги муносабатларда ўз-ўзидан амалга оширилади, деб ҳисоблаган.

Кейнс меҳнатга бўлган талабнинг чекланганлиги оқибатида “мажбурий ишсизлик” тушунчасини киритади ҳамда меҳнат бозорининг ўзини-ўзи тартибга солиши, фоиз ставкасининг автоматик ўзгариши, нархлар ва иш ҳақи эгилувчанлиги тўғрисидаги классикларнинг ғояларини инкор этади. Ишсизликнинг асосий сабаби Кейнс бўйича самарали ялпи талабнинг етишмаслигидан иборат. Унинг психологик қонуни жамғаришга нисбатан, кўпроқ истеъмол қилиш (ялпи талабнинг ўсиши) заруратини ифодалайди. Аҳоли бандлигини тартибга солиш назариясида Дж.М.Кейнс [3] самарали талаб ва янги инвестицияларни рағбатлантирадиган даражадаги давлат бюджет, кредит-пул, солик сиёсаларига асосланган иқтисодий мувозанатни тиклаш механизмининг таҳлилини беради.

Самарали талаб тўғрисидаги ғоя Дж.М. Кейнс назариясининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Агар ялпи талаб тадбиркор кутган даражадан пастроқقا тушса ва шу сабабли ишлаб чиқариш харжатларини қоплаш имкони бўлмаса, ишлаб чиқаришнинг қисқариши рўй беради, бу эса ишсизликка олиб келади. Аксинча, ялпи талаб кутилган даражадан юқорироқ бўлса, ишлаб чиқариш ривожланишига туртки бўлади. Мувозанат ўрнатилишига олиб келадиган ялпи талаб фаоллаштирилиб, рағбатлантириш орқали товар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши ва тақлифга таъсир этиш асосида аҳолининг иш билан бандлиги даражаси оширилади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг услубий асосини диалектиканинг асосий қоидалари ва тамойиллари ташкил этди. Меҳнат бозорининг амал қилиши ва мувозанатга эришиш механизми муаммоларини юмшатишда меҳнат миграциясининг аҳамиятини таҳлил қилиш услуги, яъни меҳнат бозори асосий кўрсаткичлари бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услугига таянилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда

мантиқий таҳдил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндошув усулларидан фойдаланилди.

### **Таҳдил ва натижалар**

Ўзбекистон катта миқдорда рақобатбардош меҳнат ресурсларига эга. Мамлакат аҳолиси сони 2005 йил бошидаги 26 млн.кишидан 2022 йилдаги 36 млн.кишига ўсди. Меҳнат ресурслари сони 2022 йилда 20 млн.кишини, иқтисодий фаол аҳоли сони эса 15 млн. кишини ташкил этди. Бу ЕОИҲ мамлакатлари ишчи кучининг 16% ига тенг бўлиб, у 2019 йилда 93,6 млн.кишини ташкил этган. Қозоғистонга ЕОИҲ мамлакатлари ишчи кучининг тахминан 10% и, Беларусга 5,5% и, Қирғизистонга 2,8% и, Арманистонга 1,4% и тўғри келади (1-жадвал).

Ўзбекистонда ўртача иш ҳақи 2020 йилда 266 долларни ташкил этди. Бу Қозоғистонга нисбатан деярли икки марта кам. Меҳнат ресурсларининг фаровонлиги ва иш ҳақи паст даражаси Ўзбекистон иқтисодиётининг меҳнат сифимли тармоқларида инвестицияларнинг жозибадорлигини оширади [4].

Иш ўринларининг етишмаслиги Ўзбекистон учун долзарб муаммо ҳисобланади. 2020 йилда мамлакатдаги ишсизлик даражаси 2019 йилдаги 9% дан 10,5% гача ўсди. 16-30 ёшдагилар орасида ушбу кўрсаткич 17,1% га, аёллар орасида эса 14,7% га етди. Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сони 1,6 млн.кишига кўпайди. Мамлакат ичкарисида иш ўринларининг етишмовчилиги Ўзбекистон фуқароларини чет элда ишга жойлаштиришга мажбур қиласи. 2020 йилда давлатдан тахминан 1,9 млн.киши – иқтисодиётда бандларнинг 14,5% и жўнаб кетган [5].

### **1-жадвал**

#### **Ўзбекистонда ва ЕОИҲ мамлакатларида меҳнат бозори кўрсаткичлари[6]**


	Ўзбекистон	Арманистан	Беларус	Қозоғистон	Қирғизистон	Россия
<b>Ишчи кучи (млн.киши)</b>	14,8	1,2	5,1	9,2	2,6	74,9
<b>Ишсизлик, % да</b>	10,5	18,1	4,1	4,9	5,5	6,1
<b>Пул ўтказмалар (ЯИМ га нисбатан % да)</b>	14,8	11,2	2,2	0,3	28,5	0,6
<b>Иш ҳақи, долл.</b>	266	388	50 8	515	239	710

Эслатма: 1) Ўзбекистон, Беларус, Қозоғистон ва Россияда ишчи кучи - 2020 йил давомида, Арманистонда – 2020 йил III кварталида, Қирғизистонда – 2019 йилда; 2) Ўзбекистонда ишсизлик – 2020 йилда, Арманистонда – 2020 йил III кварталида, Беларус, Қозоғистон ва Россияда - 2020 йил IV кварталида, Қирғизистонда – 2019 йилда; 3) пул ўтказмалари – 2019 йилда; 4) иш ҳақи – 2020 йил давомида.

Ўзбекистон Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги 2019 йилда ишчи-мигрантлар сонини 2,6 млн.кишидан 3 млн.кишига баҳолади [7].

Ўзбекистон – МДҲ минтақасида йирик меҳнат ресурслари донорлари ва пул ўтказмаларини қабул қилиб оловчилардан бири ҳисобланади. МДҲ Статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистондан меҳнат мигрантлари бўлган, 2019 йил давомида ЕОИҲ мамлакатларида бўлганлар сони Россиядаги 1039160, Қозоғистонда – 2903, Беларусда – 1345 кишини ташкил этди (1-расм). Бироқ воқеликда (рўйхатга олинмаган меҳнат мигрантлари) ЕОИҲ аъзо-мамлакатлари ҳудудида бўлган Ўзбекистон фуқаролари сони расмий эълон қилинган рақамлардан бир марта ошиб кетиши мумкин [8].


Мигрантларнинг пул ўтказмалари ялпи тушуми 2018-2019 йилларда Ўзбекистон ЯИМ ининг тахминан 15% ини ташкил этди. 2020 йилда ЕОРБ нинг ҳисоб-китобларига кўра, пандемиянинг салбий оқибатлари туфайли ушбу кўрсаткич ЯИМ нинг 12% игача пасайди, аммо умуман, юқорилигича қолмоқда. Трансферлар аҳамиятининг юқорилиги республика иқтисодиётининг ташқи фалажлар таъсирига берилувчанлигини оширади.



**1-расм. 2012-2020 йилларда Россиядан Ўзбекистонга жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари [9]**

ЕОИҲ га аъзо-мамлакатлар орасида фақат Қирғизистон Республикасида пул ўтказмалари тушумлари деярли 30% ли ЯИМ катта улушини таъминлайди. Арманистонда ушбу кўрсаткич тахминан 11% ни ташкил қиласиди. Россиядан Ўзбекистонга трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 2020 йилда 4,4 млрд.долл.ни, Қозоғистондан эса 132,3 млн.долл.ни ташкил этди (2-расм).

Коронавирус инфекцияси пандемияси Ўзбекистондаги миграция оқимларига жиддий таъсир кўрсатди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, деярли ярим млн. хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари COVID-19 пандемияси туфайли ватанга қайтдилар [11].



**2-расм. 2012-2020 йилларда Қозоғистондан Ўзбекистонга шахсий трансферлари (жисмоний шахсларнинг пулли ўтказмалари), млн.долл.[10]**

2020 йил охирларига келиб, эпидемиологик чекловлар барҳам топиши билан меҳнат мигрантларини жалб қилишдан кўпроқ қизиқиши ЕОИҲ мамлакатлари орасида Россия намоён қилди. Россиянинг ишчи кучига бўлган қўшимча эҳтиёжлари кўпроқ анъанавий равишда, хорижий ишчи кучига йўналтирилган ва россияликлар учун жозибадор бўлмаган тармоқларда (курилиш, куръер етказиб берувчи, товарларни қадоқлаш ва шу сингари) 0,6-1,4 млн.кишига баҳоланди. Россияда ишчи кучининг потенциал тақчиллиги Ўзбекистондан меҳнат мигрантлари ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

Республика меҳнат бозори айни вақтда мамлакат иқтисодий ривожланиши учун ҳаракатлантирувчи куч ва хавф-хатар ҳисобланади. Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳолининг ишчи кучи сифатида қатнашишининг нисбатан паст коэффициенти – истиқболдаги иқтисодий ўсиш учун асосий хавфлардан биттаси ҳисобланади. Республика иқтисодиётида йилига ўртacha 280 минг атрофида янги иш ўринлари яратилади, демографик сабабларга кўра эса ҳар йили 600 минг иш ўрни талаб қилинади [12].

Ўзбекистонга хориждан пул ўтказмалари ҳажми 2022 йилда 21% га қисқариши кутилмоқда. Жаҳон банки Россия ва Украина ўртасидаги зиддиятларнинг Марказий Осиё минтақасига хориждан пул ўтказмалари ҳажмига таъсирини инобатга олган ҳолда ўз прогнозларини янгилади. Банк прогнозларига кўра, 2022 йилда Марказий Осиё минтақасига хориждан пул ўтказмалари ҳажми 25% га қисқаради. Мазкур тенденция Россия-Украина ўртасидаги сиёсий зиддиятлар сабаб Россияда иқтисодий фаолликнинг пасайиши ва, бир

вақтнинг ўзида, рубль курсининг кескин қулаши билан изоҳланган. Хусусан, иқтисодий фаолликнинг пасайиши мамлакатда иш ўринларининг қисқаришига олиб келиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, мигрантларнинг умумий даромад даражасига таъсир кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида, рублнинг кескин қадрсизланиши мигрантлар иш ҳақларининг доллар эквивалентидаги номинал қийматининг пасайишига сабаб бўлади. Қолаверса, жорий этилган санкциялар ва Россия банкларининг SWIFT тизимидан узилиши пул ўтказмаларининг расмий каналлар орқали юборилишини қийинлаштиради, натижада ўтказмалар қисман билвосита ва норасмий каналларга кўчиши кутилади.

Маълум қилинишича, 3 март ҳолатига рубль долларга нисбатан 25 фоизга қадрсизланган ва бу тенденция 2022 йил давомида ўзгармаслиги эҳтимоли юқори. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонга хориждан пул ўтказмалари ҳажми қарийб 7 млрд долларни (ЯИМнинг 11,6 фоизи) ташкил этган бўлса, шунинг 55% қисми Россия ҳиссасига тўғри келган. Хориждан юбориладиган пул ўтказмалари умумий ҳажмида йирик улушга эга давлат сифатида Россиядаги беқарорлик 2022 йилдаги пул ўтказмалари ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади.

## 2-жадвал

### Айрим мамлакатлар меҳнат мигрантларининг ватанига пул ўтказмалари [14]

Мамлакатлар	Пул ўтказмала ри оқими, 2020, млн.долл.	ЯИМ га нисбатан, % да, 2020 й.	Экспорт ва хизматларга нисбатан, % да, 2020	Россиядан пул ўтказмалари улushi, % да, 2021	Дастлабки прогноз қилинган ўсиш, %да, 2022 йил учун	Ўсиш суръатининг қайта кўриб чиқилган прогнози, %да, 2022-й. учун
<b>Арманистон</b>	1327	10,5	35,3	59	11	-19
<b>Озарбайжон</b>	1403	3,3	9,2	62	3	-23
<b>Беларус</b>	1014	1,7	2,7	42	15	-8
<b>Грузия</b>	2110	13,3	35,6	18	2	-5
<b>Қозоғистон</b>	374	0,2	0,7	51	7	-17
<b>Қирғизистон</b>	2423	31,3	99,5	83	3	-33
<b>Молдова</b>	1877	15,7	58,2	14	6	0
<b>Тожикистон</b>	2187	26,7	155,2	58	2	-22
<b>Украина</b>	15213	9,8	25,1	5	2	8
<b>Ўзбекистон</b>	6980	11,6	48,0	55	3	-21

Халқаро пул ўтказмалари қисқаришининг энг юқори суръати Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қирғизистонда кузатилиши кутилмоқда — 33%. Қирғизистон айнан хориждан кириб келадиган пул ўтказмаларига кучли даражада боғлиқ бўлиб, 2021 йилнинг I-III чорагида хориждан ўтказмалар мамлакат ЯИМнинг қарийб учдан бир

қисмига тенг бўлган ва ўтказмалар умумий ҳажмида Россиянинг улуши 83% ни ташкил этган.

Шунингдек, Тожикистон ва Қозоғистонга хориждан трансферлар 2022 йилда мос равишда 22% ва 17% га қисқариши кутилади (2-жадвал).

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон учун асосий иқтисодий муаммо юқори унумли янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Бироқ хусусий секторнинг суст ривожланганлиги туфайли қўшимча иш ўринлари яратиш меҳнат бозоридаги таклифга нисбатан орқада қолмоқда [13].

2020-2030 йилларда демографик омил Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатда туғилиш даражасининг ўсиши билан бир қаторда, ўлим даражасининг кескин пасайиши иқтисодиётнинг потенциал ўсишига шарт-шароит яратган ҳолда Ўзбекистон аҳолиси умумий сонида меҳнатга лаёқатли аҳоли улушининг 1990-йилларнинг охиридан бошлаб, жадал ўсишига олиб келди.

БМТ баҳолашига кўра, Ўзбекистон жами аҳолисининг тахминан 70% и 2040 йилгача меҳнатга лаёқатлилар тоифасига киради [15]. Ушбу “демографик дарча” даврида меҳнатга лаёқатли аҳолининг мамлакат умумий аҳолисидаги улуши (ишчи кучи) ўзининг энг юқори даражасига етади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистон меҳнат бозори ва меҳнат миграцияси муаммолари юзасидан олиб борган тадқиқот натижасида қўйидаги хулосалар олинди:

1. Демографик вазиятни барқарорлаштириш ва аҳолининг меҳнатда бандлигини ошириш – ишчи кучи сифатини юксалтириш ҳамда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш асосидагина ҳал қилиниши мумкин.

2. Меҳнат ресурслари балансида, жумладан, меҳнат ресурсларининг шаклланиш манбалари ва уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши таркибида тўлиқ ҳисобга олиш зарур. Ушбу мақсадда меҳнат ресурслари амалдаги балансига ХМТ услубияти бўйича ишсизлар умумий сони, шу жумладан, давлат бандлик хизмати органларида рўйхатга олинган ва меҳнатга лаёқатли иқтисодий нофаол аҳоли орасида ишлашни хоҳловчилар бандини киритиши кўзда тутадиган тузатишларни амалга оширишни таклиф этамиз. Шу билан бир қаторда меҳнат ресурслари балансида хорижга ишлашга кетган фуқаролар ва мамлакатда ишлаётган хорижлик меҳнат мигрантларининг умумий сони ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги маълумотларни ҳам киритиш, мақсадга мувофиқ.

3. Бундан ташқари, меҳнат ресурслари балансида минтақавий меҳнат бозорларига сезиларли таъсир кўрсатадиган ички ва ташки мигрантларининг турли тоифалари ҳақидаги бандни киритиш

орқали статистик ҳисобни такомиллаштириш тақозо этилади. Шу мақсадда меҳнат мигрантлари ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш шароитлари ҳақида маълумот тўплаш учун уй хўжаликларининг танланма сўровини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

4. Янги иш ўринлари яратишда уларнинг қийматига эътибор бериш ва иш ўринлари самарадорлиги билан таққослаш катта аҳамиятга эга. Яратилаётган бир янги ишчи ўрнининг қиймати аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий йўналишлар бўйича турлича бўлиб, энг қиммат янги иш ўринлари ижтимоий инфратузилма обьектлари йўналишига, энг арзони бўлса касаначилик йўналиши ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ҳолат аҳолини иш билан таъминлашнинг эгилувчан (ноанъанавий) шаклларидан фойдаланиш самарали эканлигидан далолат беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралидаги Пф-27-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга доир давлат дастури тўғрисида” ги Фармони./[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги “Олий Мажлисга Мурожаатномаси./[www.president.uz](http://www.president.uz).

3. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. / Дж.М. Кейнс. М: Прогресс, 1978.-494с.

4. Алексеев, И. и др. (2019) Узбекистан: Окно возможностей. BCG. Доступно на: <https://www.bcg.com/en-ru/uzbekistan-window-of-opportunity> (Просмотрено 5 января 2021).

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотлари, 2020 й.

6. Жаҳон банки, ЕИК, ЕОИҲ мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг миллий статистика идоралари маълумотлари асосида тузилди.

7. Review.uz (2019) Число трудовых мигрантов из Узбекистана составляет 2,6 млн человек. 3 сентября. Доступно на: <https://review.uz/post/chislo-trudoviyx-migrantov-iz-uzbekistana-sostavlyaet-26-millionov-chelovek> (Просмотрено 6 января 2021). Review.uz, 2019

8. Газета.uz (2020) Премьер прокомментировал возможное вхождение в ЕАЭС. 17 февраля. Доступно на: <https://www.gazeta.uz/ru/2020/02/17/aripov-euu/> (Просмотрено 20 апреля 2021). Газета.uz, 2020

9. Банк России (2020) Трансграничные переводы физических лиц (резидентов и нерезидентов). Доступно на: [https://www.cbr.ru/statistics/macro\\_itm/tg/](https://www.cbr.ru/statistics/macro_itm/tg/) (Просмотрено 20 января 2021). Банк России

10. Национальный банк Республики Казахстан.

11. Интерфакс (2020) В Узбекистан из-за пандемии вернулись почти полмиллиона трудовых мигрантов. 29 мая. Доступно на: <https://www.interfax.ru/world/710939> (Просмотрено 20 января 2021).
12. World Bank (2019) Uzbekistan: Toward a New, More Open Economy. Available at: <https://www.worldbank.org/en/country/uzbekistan/publication/economic-update-summer-2019> (Accessed 13 January 2021).
13. World Bank (2018a) Doing Business 2018: Reforming to Create Jobs. Available at: <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/28608> (Accessed 1 March 2021).
14. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/07/transfers/>
15. United Nations (2017) World Population Prospects 2017: The 2017 Revision. Key Findings and Advanced Tables. Available at: [https://www.un.org/development/desa/pd/sites/www.un.org.development.desa.pd/files/files/documents/2020/Jan/un\\_2017\\_world\\_population\\_prospects-2017\\_revision\\_keyfindings.pdf](https://www.un.org/development/desa/pd/sites/www.un.org.development.desa.pd/files/files/documents/2020/Jan/un_2017_world_population_prospects-2017_revision_keyfindings.pdf) Accessed 11 January 2021).

**LABOUR ECONOMICS**

**TASHKENT STATE  
OF ECONOMICS**



# **Tashkent state university of economics**



+998 99 881 86 98



ilmiymaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



[www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)